

ЭРГАШ РАИМОВ

ГУЛЛАРИМ — БУЛБУЛЛАРИМ

Шеърлар, достон



Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1987

Раимов, Эргаш.

Р 19 Гулларим — булбулларим: Шеърлар, дoston:
[Кичик мактаб ёшидаги болалар учун].— Т.: Ёш
гвардия, 1987.— 96 б., расм.

«Мен ўзим кичкинаман,
Ширага ўчгинаман...»

Азиз болажонлар!

Китобга кирган яхши шеърлардан бири юқоридаги икки мисра билан бошланади. Тўпламинг тўла ўқиб чиқсангиз тенгкурларингизга хос бўлган шунга ўхшаш ҳолатлар, қизиқарли воқеалар билан танишасиз. Ҳозчалар, мактанчоқ бақа, мушук, айиқ ҳақидаги шеърлар ҳам сизга ёқади, деган умиддамиз. Шунингдек, муаллифнинг «Доктор Ҳаким ва гафлатлар» деб номланган дostonи ҳам шу китобчадан ўрин олган.

Раимов, Эргаш. Прилетели соловьи: Стихи,
сказка — поэма: [Для детей мл. школьного возраста].

Ў32

Р 4803010000—125
356 (04)—87 145—87

© Издательство «Ёш гвардия», 1987



КУЙГА ТЎЛСИН ОНА-ВАТАН

Менинг дўстим, қушчалар, сиз,
Куйини мунча хуш чаларсиз.
Баҳор келди, учиб келинг,
Боғимизга кўчиб келинг.

Келинг, келинг, сайроқ қушлар,
Қўшиқлари янгроқ қушлар.
Куйга тўлсин бу боғ гулшан,
Куйга тўлсин она-Ватан.

Мен узим кичкипамап

УНЛАР

Улар бари ўнтадир,
Чапда ҳамда ўнгдадир.
Бешининг бир уйи бор,
Узун-калта бўйи бор.
Бештасига бир бошчи,
Ҳамма ишга йўлбошчи.
Ҳар бир ишни билишар,
Нима десанг қилишар.
Уйлаб кўринг булар ким?
— Топдим, топдим,— дер Ҳаким.
— Айтиб кўр-чи, қани бўл,
— Айтаганингиз икки қўл —
Ҳар бирида беш бармоқ,
Йўлбошчисин бош бармоқ.

ЯШАСИН

Кичкина уста Манноп,
Асбоби ўзига боп.
Кириб кўрсанг ҳар қачон,
Устахона саранжом.
Рандаси бир ёнида
Михлари михдошида.
Асбобу ускунасин
Ўз жойи бор ҳаммасин.
Хона асбобга лиқ-лиқ,
Бурғи, арра осифлиқ.
Болғаси-ю, омбирин
Занг босмаган ҳеч бирин.
Ўзи ҳар кун чархлайди,
Ойнадай ярақлайди
Ҳатто, кўрсанг тешасин,
Жажжи уста яшасин!
Ўзи кўп ишни билар,
Тахтани баргдай тилар.
Укасига у кеча
Ясади бир курсича
Чиройлик шунақанги
Магазиндан яп-янги —
Ҳозир олиб келгандай.
Заводда ясалгандай.
Хавас қилар ҳар киши
Кўриб Манноп ишини.
Шундай уста яшасин!
Ҳамма унга ўхшасин!

БОШМАЛОҚДАЙ БИТТА БЎР

Қани Али ўйлаб кўр,
— Бошмалоқдай битта бўр,—
Деб сен уни менсимай,
Бефойда ёзиб тинмай,
Кўнглини рақжитибсан,
Синфни чангитибсан.
Биласанми, ўзинг сен,
Унда қанча меҳнат бор,
Қанча ташвиш, заҳмат бор?
Сен билмайсан, албатта,
Тоғда, конда, заводда,
Мактабга бўр керак деб,
Қанча одам тўкар тер.
Яна чуқур ўйлаб кўр,
Уша битта кичик бўр,
Халқнинг мулки саналар.
Халқнинг мулки ҳар жойда
Қора кўздай сақланар.
Одамларнинг меҳнатин,
Қадрин билмай кетмагин!
Унда ишчи кучи бор.
Шу бўрнинг ҳам бурчи бор!
Фойдасиз ёзмасам дер,
Бекорга тўзмасам дер.
Масала ечсам дейди,
Сўнг майли ўчсам дейди...

ШАКАР ҚИЗ

(Ҳазил)

Дадам мени эрталаб,
Тиззасида эркалаб,
Шакар қизим, дедилар,
Шарбат қизим, дедилар.
Уйлаб қолдим жуда ҳам,
Ҳайрон қолдилар дадам.
Шакар қиз ҳам бўлмайман,
Шарбат қиз ҳам бўлмайман.
Агар шакар қиз бўлсам.
Шакар деб Тўлқин акам,
Шарбат деб Ойгул опам,
Еб-ичиб қўямасинлар,
Ойимлар куймасинлар.

СИМЛАР ЧАЛАДИ ҲУШТАК

Қаҳратон қиш чилласи,
Юзни кесар изгири.
Уйдан чиқсанг эшикка,
Ачишар қулоқ, бурун.

Писанд қилмай совуқни,
Эрта туриб Мавлуда.
Бадаштарбия қилар
Роҳатлашиб ҳовлида.

Ойиси дер:— Ҳой қизим,
Шамоллаб қолма яна.
— Йўқ, ойнажон,— деди у —
Совуқда пишар тапа.

Чидаёлмай совуққа,
Симлар чалади ҳуштак.
Аммо спортчи қизча,
Ўзин сезади қушдек.



ПОЛВОН

Кичиккина айыңчам,
Пучуққина айыңчам.
Жуда ҳам юмшоқ бадап,
Кийими духобадан.
Дум-думалоқ, сеп-семиз,
Биз уни полвон деймиз.
Аммо у полвонман деб,
Дўғаявермас ҳадеб,
Ўзидан кичикларга
Урдак, мош, кучукларга.
Айығи деб ўрмоннинг
Уйламанг сиз полвонни.
Ўзи айық-ку чиндан,
Уни олиб келганмиз,
«Ўйинчоқ» магазиндан.

БАЛИҚЧИ

(ҳазил)

Кўлга қармоқ ташладим,
Сўнгра кута бошладим.
Пўкак ликиллар лик-лик,
Илинар қандай балиқ?
Шу пайтда бирданига,
Муз югурди танимга.
Ҳар хил қўрқинч хаёллар,
Қалламни чулғаб олди.
Қўрққанымдан ҳаттоки,
Салгина йиғлаб олдим.
Кит одам ер биламан,
Сезиб қолса ўламан!
Илинса-ю, чўртани,
Ютворса-я, чўрт мани!..
Ёки чиқиб ақула
Қўзларин ола-кула —
Қилиб шарт ушласа-чи?!
Қўлимни тишласа-чи?!
Кўлдан узмай кўзимни,
Мард, чоғладим ўзимни...
Кўл юзи жимир-жимир
Пўкагим қимир-қимир —
Қилди-ю, сув тагига
Бир нарса тортиб кетди.
«Шув» этди-ю, юрагим,
Орқамга тортиб кетди.
Тоғамлар эртасига.
Юк қилиб елкасига
Тутган балиғимнимас,
Ўзимни ортиб кетди.




ЭНДИ КАТТА БОЛАМАН

Бултур эдим олтида,
Ешим етмай қолди-да,
Мақтабга ёзишмади,
Ўқишга олишмади.

Йиллар юрмас кетига,
Бу йил тўлдим еттига.
Энди катта боламан,
Мен мактабга бораман.

Ҳамма нарсам таппа-тахт
Зўр ўқишга қилдим аҳд.
Ҳар кун санайман бир-бир
Қачон келар сентябрь?

Ҳозир май-ку яхши ой,
Роса пишган қулупнай,



МАШИНАМГА ТУШИНГИЗ

Машиначам кўм-кўк «Зил»,
Кичик шофёрман эпчил.
Йўлда яхши юраман,
Рулда сергак тураман.
Зарур бўлса ишингиз,
Машинамга тушингиз.
Сувдек кетар машинам,
«Ту»дек кетар машинам,
Истаган жойингизга —
Ишлаган жойингизга,
Етказаман бир дамда,
Ярқироқ машинамда.
Пул чўзмамг, ҳақ олмайман,
Қистаманг, йўқ, олмайман.
Зарур бўлса ишингиз,
Машинамга тушингиз.



КОНФЕТ ВА ШОЛҒОМ

(ҳазил)

Мен ўзим кичкинаман,
Ширага ўчгинаман.
Тўрт килоча новвотни,
Еб қўйдим уч кунда ман.

Ёзда, кузда, қишда ҳам,
Ёмон эмас иштаҳам,
Доим қандни кўраман,
Унгимда ҳам, тушда ҳам.

Баъзида уяламан,
Қиёмдай қуюламан.

Уйга меҳмон келганда,
Айрондай суюламан.

Бир кун қаранг, байрамда.

Қолмайин деб армонда,
Бир челак асал ебман,
Утиролмаи айвонда.

Хип бўғилиб томоғим,
Чиқиб қолди чатоғим.
Уруғ-аймоқ йиғилди,
— Не бўлди, деб, қароғим?

Бувимлар қўрқиб кетди,
Доктор ҳам кўриб кетди.
Бир қанча дори ёзиб
Ойимга бериб кетди.

Узим ҳам кўп ғам едим,
Аччиқ дори ҳам едим.
Иссиғим туширишга
Бир халта шолғом едим.

Роса қилганди алам,
Шундан бери бир ялам —
Мураббо ҳам емайман,
Яхши кўрганим шолғом.

ОВ

Тонг саҳарда дадам иккимиз
Ёнимизда малла итимиз.
Ўзимиз-ла, киркик, тўр олдик.
Шудринг кечиб овга йўл олдик.

Ғубор йўқдай эди самода,
Эсар эди муздай шаббода.
Куз ҳавоси жуда соф эди
Ов қилишга жуда боб эди.

Дала йўли эди кимсасиз,
Ортимизда қолди учта из.
Полизни биз оралаб ўтдик,
Йўнғичқазор яйловга етдик.

Қатта шўра ортига шу чоқ,
Чўққайишиб жим солдик қулоқ.
Сергакланди итимиз шу дам,
Қулоқларни динг қилдик биз ҳам.

Биздан анча олис томонда,
Ҳув эгасиз полиз томонда.
Ғам — аламдан тамом бегона
«Питбилдиқ»лар сайроқ бедана.

«Ушлайдиган бўлдик зўрини!»
Дея дадам ёйди тўрини.
Сўнг жойнга келди-да аста,
Киркигини чалди оҳиста.

Бу товушни эшитган ҳамон,
Учиб келди пориллаб шу он,
Ақл-хушдан тамом бегона,
Бўлиб қолган сайроқ бедана.

Қиркик овозига берилиб,
Завқи тошиб, хурсанд керилиб,
Сайраб кетди ўзини билмай,
Олдидаги тузоқни кўрмай.

Фурсат жуда келганди қулай.
Таппа босди уш маллавой,
Тўрга тушиб қолди бедана,
Қўлга тушиб қолди бедана.

Қун чиққанда дадам иккимиз,
Ёнимизда малла итимиз,
Овдан қайтиб келяпмиз мана,
Қўлимизда тутқун бедана.

Ўл-ўлакай сураман хаёл,
Бечорага кўп бўлди увол.
Энди эсиз сайроқ бедана
Озодликдан тамом бегона.

Бирдан фикрим ўзгариб шу тоб,
Ўз-ўзимга қиламан хитоб.
Майли, дадам не деса, десини,
Майли, менга жазо ҳам берсини.

Беданани озод этаман,
Тутқун кўнглини обод этаман.
Далаларда сайрагани соз,
Далаларда яйрагани соз!

ҚОРА БОЛА ҚУШИҒИ

Ўзим қора боламан,
Дили яра боламан.
Ешим ўндан ошмаган,
Бироқ, сара боламан.
Қўпинча оч юраман,
Ҳам яланғоч юраман,
Кўчаларда дайдийман,
Аравача ҳайдайман.
Сэр ўтирса тортаман,
Бир парча нон топаман.
Нон қўлимга теккан он,
Кулбам томон чопаман,
Онам томон чопаман...
Шундай менинг ўлкамда,
Оғир меҳнат елкамда.
Ўзим қора боламан,
Бағри пора боламан.
Охири бир кун келиб
Балки бўрон бўларман,
Жанобларнинг бошига
Битган бало бўларман.
Она юртим дардига,
Қора юртим дардига,
Бир кун даво бўламан.
Ўзим қора боламан,
Бир зўр бола бўламан.



Полиздами, олисдами?

БОЛАРИ

Гулзоримда болари,
Гуллар билан қол, ари.
Мана сенга гулкоса,
Шарбат шимир, тўй роса.

Болга тўлдир мумчангни,
Мумчангнимас-хумчангни.
Болинг хумчангдан қолса,
Менга ҳам бер бир коса.

ТУҒРАЙ

Тўрғай қуш, қадрдон қуш,
Ҳаволарга ўриб тўш
Эркин, яйраб учасан.
Нурдай софдир юрагинг,
Яхшиликдир тилагинг.
Тўрғай қуш, қадрдон қуш.
Эй тиллари бийрон қуш.
Уйнаб-ўйнаб ҳавода
Чарх урасан самода.
Тўрғай қуш, қадрдон қуш,
Кел ёнимга бир пас туш.
Қачон келдинг биз ёққа?
Кетганмидинг йироққа?
Кўрганларинг сўйлаб бер,
Билганларинг куйлаб бер.
Тўрғай қуш, қадрдон қуш,
Уйна кўкда, чарх ур, жўш,
Қўшиғингдан англадим,
Чақ-чақингдан яйрадим.
Қутлаяпсан кўкламни,
Мақтаяпсан ўлкамни.
Тўрғай қуш, қадрдон қуш,
Эй тиллари бийрон қуш.
Самомиз тинч, ўйнайбер,
Тонгда туриб куйлайбер.

АРМОНДА УТГАН МУШУК

Чиртта юмиб кўзини,
Мушук койир ўзини;
— Яшоламдим ўрмонда,
Утди умрим армонда.
Кездим етти маҳалла,
Қаридим мен хомкалла.
На кун, на тун мизғидим,
Зир юргуриб изғидим.
Кўрмадим сичқон зотин,
Фақат эшитдим отин.
Битгасини тутай деб,
Тутсам ямлаб ютай деб,
Бир кун пойлаб юардим,
Пана жойлаб юардим.
Кўриб қолдим бирини,
Сичқонвойнинг зўрини,
Қувониб овим билан,
Авраб мўйловим билан,
Бир зум таёқдай қотдим,
Сўнг ўзим унга отдим.
Сичқон панжамга тушди,
Бошимдан ақлим учди.
Афсус, бахтим йўқ экан,
У ҳам ўйинчоқ экан,
Чиртта юмиб кўзини,
Мушук койир ўзини...

ҒОЗЧАЛАР

Оппоқ-оппоқ күйлақда,
Уйнаб юрар кўлмақда
Ака-ука ғозчалар,

Шамол ғир-ғир елганда,
Ухшашади елканга
Ака-ука ғозчалар.

Бир-бирига меҳрибон,
Ажрашмайди ҳеч қачон
Ака-ука ғозчалар.

«Ғақ-ғақ» қўшиқ куйлашар,
Сувда яйраб қувнашар
Ака-ука ғозчалар.

Жуда уста сузишга,
Бир-биридан ўзишга
Ака-ука ғозчалар.

Улғайишмоқчи тезда,
Сузишмоқчи денгизда
Ака-ука ғозчалар.



МАҚТАНЧОҚ БАҚА

Қаттакон кўлдан бақа,
Чиқиб олиб қирғоққа,
Қилар доим вақ-вақа,
«Сен ундақ, ме-н бундақ-а».

Дўстлари дер:— кўлга туш,
Биз билан ўйнаб сузиш.
У афтин қилар буруш.
«Сен ундақ, ме-н бундақ-а».

Қарамай уён-буён,
Вақилларди у чунон.
Мақтанчоқни бир илон
Тутди ю, ютди паққа..,

Мақтанчоқ бўлма асло,
Бақадек бўлма расво.

АЙИҚ НЕГА КАСАЛ БҰЛДИ

Айиқ полвон тўп ўйнади,
Жуда-жуда кўп ўйнади.
Кун ҳам роса қизиб кетди,
Қоқ тушда у анҳор кечди.
Тўйиб-тўйиб хом сув ичди.
Чалоп-чалоп чўмилди хўп,
Кейин яна ўйнади кўп.
Ўйин роса авжга минди,
Айиқвойнинг кўзи тинди.
Қулаб тушди, таппа, мана,
Кўз очсаки: дўхтирхона.
Қарап, айиқ ётар бемор,
Ўйиннинг ҳам меъёри бор.

ЮМРОН

Эй, муттаҳам юмрон,
Турганинг кони — зиён.
Отинг билан ўғрисан,
Зотинг билан ўғрисан.
Қўй, мунча чириллама,
Бекорга жириллама!
Буғдой ўроқ, паллада.
Кўзларинг ёниб чўғдай,
Инингдан чиқиб ўқдай,
Сездирмайин шарпангни,
Оқ буғдойу, арпамни
Уйинга ташмалайсан,
Қўлга тушдинг, қалайсан?
Кўзингни милтиратма,
Ешингни мўлдиратма.
Сен балохўр — ўғрини
Дала ҳаромхўрини,
Энди қўймайман омон,
Терингга тиқиб сомон
Қўяман томошага,
Ибрат бўлсин бошқага!

ҚИРҒОВУЛ — ҚОРОВУЛ

Бор экан бир қирғовул,
Тўқайзорга қоровул.
Йўли доимо тўғри,
Қўли эмаскан эгри.
Кунлардан ўтиб бир кун
Қоронғу, зимистон тун,
Тўқайга кепти хўроз,
Қамиш сўрабди оз-моз.
Яширинча элтай деб,
Қўноқ қилиб ётай деб,
Қаранг, қирғовул қўшни
Бир дона ҳам қамишни,
Хўрозга бермас бўпти,
Шу билан икки қўшни
Сира юз кўрмас бўпти.

* * *

Ҳали ҳам шу қирғовул,
Тўқайзорга қоровул...
Гердаиб хўроз акам,
Дўстидан араз экан.



МИНФИЛЛОҚ

Бир Чивинбой тўқайдан,
Учиб келди финғиллаб.
Хўкизнинг тумшуғига,
Қўниб олди минғиллаб.

Энди қон сўрайин деб,
Тумшуқ чўзди сесканмай.
Шунда бирдан гуриллаб,
Бўлди бўрон эсгандай.

Йўқ, йўқ! Бу бўрон эмас
Эснаганди Хўкизбой.
Бурнининг шамолига,
Дуч келганди Чивинбой.

Шунда Чивин Хўкизнинг
Бурнига кириб кетди.
Шу зайил бу «макон»да
Қолди-да чириб кетди.

ТЕКИНТОМОҚ ТҮНГИЗ

Яшнаб-яшнаб кетган экан яшил ўрмон,
Меҳнат билан яшар экан ҳамма ҳайвон.
Ўрмонзорда энг дангаса тўнғиз экан,
Дўстга қўпол, жуда-жуда тўнғ сўз экан.
Меҳнат деса қочар экан тиши сўйлоқ,
Овқат деса урар экан товоқ-товоқ.
Ишламасдан юрар экан кўланкадай,
Текин томоқ семиртибди нақ тўнкадай.
Бир кун роса меш қорнини тўйдирибди,
Қанор қопдай бўш қорнини тўлдирибди.
Қўп егандан мешдай қорни санчиб қопти,
Текин томоқ ҳазм бўлмади ачиб қопти.
Тўнғиз қорни шунда паққа тешилибди,
Шунинг билан шеър мазмуни ечилибди.

ОЛАҚАРҒА

Олақарға қағ этади,
Уз вақтнини чоғ этади.
Қорға шўнғиб чўмилади,
Пар тўшакка кўмилади.

Иссиқ кунлар унга ёқмас,
Ёз кунлари қор ҳам ёғмас.
Шунинг учун қишда ўйнар,
Иссиқ кунда боши қайнар.

Ёз келганда учиб кетар,
Юртин ташлаб кўчиб кетар.
Севмас қарға чаманини,
Демак, севмас ватанини...

ҚҰРИҚЧИ

Хув олисда қўриқчи,
Кенг полизда қўриқчи.
Бориб кўрсам яқинроқ,
Бошида эски қалпоқ,
Белида қамиш белбоғ.
Узун чопон шалвиरोқ,
Шўрлик яна бир оёқ.
Қўли ингичка таёқ,
Дейсиз гўё қизиқчи,
Ажаб қизиқ қўриқчи.
Бир томонга қийшайиб,
Турар экан иршайиб.
Сиз ҳам бориб кўринг-чи,
Жуда қизиқ қўриқчи.
Уни кўрган бўрсиқлар
Полизга йўламайди.
Ботир ёғоч қўриқчи,
Шамолда қуламайди.

Зилол сувлар шилдирар



ҚУЁШ

Алвон рўмолин ёйиб,
Уфқларнинг четига,
Қуёш ботди қизариб,
Олатовнинг кетига.

Сен ўйлайсан: қуёш ётди...
Йўқ! Қуёш кезар олам.
Қитъалардан қитъаларга
У элтиб юрар салом.



ОЙМОМА


Тилла ўроқ оймома,
Менга ўртоқ оймома.
Қайрилма қошга ўхшар,
Олтин баркашга ўхшар.
Юрсам у ҳам юради,
Турсам у ҳам туради.
Ажиб қизиқ оймома,
Кўзи сузук оймома.
Йўлларимга этаклаб,
Нур тўкади эркалаб.
Нурга сероб оймома,
Тунги офтоб оймома.

ЧИНОР

Мен билмайман, илгари —
Етти бобомдан бири,
Эккан экан қўш чинор,
Нима бўпти, хўш, чинор?
Ойлар ўтиб, йил ўтиб,
Қанча довул сел ўтиб,
Эгса ҳамки шамоллар,
Тик ўсибди ниҳоллар.
Беш асрни кўрибди
Қўп наслни кўрибди.
Йўловчи йўлларида,
Баҳорнинг селларида,
Офтобнинг қизиғида,
Саратон иссиғида,
Қимки келса қошига,
Соя ташлаб бошига,
Улкан соябон бўпти,
Гўёки посбон бўпти.
Ҳозир-чи, ўша чинор,
Азамат қўша чинор,
Яшнаб турар йигитдай,
Гўё бобом тирикдай!

КУЗ ҚУШИҒИ

Боғлар кўм-кўк кўйлагин,
Бўяб олди сариққа.
Шилдирар зилол сувлар,
Қулоқ солсанг ариққа,
Куйлаб кузнинг қўшигин.
 «Қиёв-қиёв» турналар,
 Жануб томон олди йўл.
 Кўкка қараб болалар,
 Қийқириб силкитар қўл,
 Куйлаб кузнинг қўшигини.
Далаларда чайлалар,
Ухшар туя чўкканга.
Хув, ана деҳқон бобо,
Қовун босар четанга,
Куйлаб кузнинг қўшигин.
 Ғўзалар чаман, қийғос,
 Бошдан ошди юмушлар.
 Чевар қизлар тонналаб.
 Терар олтин — кумушлар,
 Куйлаб кузнинг қўшигини.
Улкада қайнар ҳаёт,
Дилларда севинч куйи.
Яша, меҳнаткаш элим!
Кузак-мўл ҳосил тўйи.
Куйла, ҳосил қўшигин!



ДОН КЕЛДИ — НОН КЕЛДИ

Поезд чўлдан келади,
Темир йўлдан келади.
«Буб-буб-буб»лаб келади.
Нени юклаб келади,
Қатор қизил вагонга,
Қатор узун вагонга?
— Дон,
 Дон,
 Дон!
Донни чўлга ким эккан?
У азамат ким экан?
— Биласанми у — деҳқон.
Ота каби меҳрибон —
Ўз юрти — ўз элига
Етказиб берар доим:
— Нон!
 Нон!
 Нон!



ТУМАН

Мен туманман, оқ туман,
Кичкина зарра сувман.
Ёмғир эдим баҳорда,
Ёзда оқдим анҳорда.
Далаларни суғордим,
Боғу-роғларга бордим.
Чўлларда гул ундирдим,
Пахтани мўл ундирдим.
Қуёш бобо қиздиргач,
Иссиғини сездиргач,
Мен булут бўлиб учдим.
Қаноти кўкни тўсган
Нақ бургут бўлиб учдим.
Келганда-чи, қиш бобо
Ўзгарди оби-ҳаво.
Яна ернинг бағрига,
Она ернинг бағрига,
Ёмғир-қор бўлиб тушдим.
Тағин пар бўлиб учдим...
Шундайман мен аслида,

Бир йилнинг тўрт фаслида,
Ўзгариб юрар тусум.
Билдингми, кичик дўстим?!

АЛЛА

Йироқ, йироқларгача,
Олис қирғоқларгача,
Оқшом чўкар оппоғим,
Ой нур тўкар, оппоғим,
Сенинг митти ёшингда,
Онажонинг қошингда.
Ўргилай, қўзим ухла,
Қуралай кўзим, ухла.

Баҳайбат тоғлар ухлар,
Ўзумзор боғлар ухлар.
Қиру ўтлоқлар ухлар,
Обод қишлоқлар ухлар,
Чўққида бургут ухлар,
Хотиржам эл-юрт ухлар,
Ўргилай қўзим, ухла,
Қуралай кўзим ухла.

Меҳрим қўри сеники,
Қалбим тўри сеники,
Тили ширин бийроним.
Сенга қоқиндиқ жоним.
Элим, бахтинг — қўриқчинг,
Бузилмасин ҳеч тинчинг.
Ўргилай, қўзим, ухла,
Қуралай кўзим, ухла.

ЧЕГАРАЧИ ҰҒЛОНЛАР

Дарё оқар шовуллаб,
Қуюқ ўрмон пастида.
Чегарачи ўғлонлар,
Ҳушёр турар постида.

Узоқларга боқишар,
Нурдек ўткир кўзлари.
Элу-юртга қасамдай,
Лабдан учар сўзлари.

Ватан — она жонажон,
Бизлар сенинг посбонинг.
Биз бор экан тинч ухлар,
Еру кўкинг, осмонинг.



ДОКТОР ҲАКИМ ВА ҒАФЛАТЛАР

(Драматик эртак — достон)

Қириш

Яшаб келар икки куч,
Одамзод ўлкасида.
Иккиси ҳам ин қурган.
Инсоннинг елкасида.
Бирин сўзига кирсанг,
Топарсан бахту иқбол.
Бирин сўзига кирсанг,
Бор умринг кетар завол!

Биринчи боб

ҒАФЛАТЛАР МАКОНИДА

Кўҳи-қоф тоғини кўрсатай,
Шу ёққа бошлайман борсанглар.
Узоқдан ташланар кўзларга,
Минг йиллик баҳайбат харсанглар.

Ялмоғиз, дев, ғафлат, шайтонлар —
Одамзод душмани — ёвуз куч.
Шу тоққа бадарға қилинган.
Уларга келармиз балки дуч!
Кўҳи-қоф тоғлари баҳайбат
Урмалар унда бир қабоҳат,
Бу Ғафлат қаридир қилтириқ.
Сўқир кўз, қоқсуяк, бир қирриқ.
Қоп-қора харсангда ўлтирар,
Ўзича пичирлар, ғўлдиарар.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Ғафлат Қари номим бор,
Ўлмаганман, жоним бор.
Қанча-қанча неварам,
Ҳам беҳисоб чеварам...
Ҳали узоқ яшайман,
Кўпга тузоқ ясайман.
Аммо бир душманним бор
Ундан кўрдим кўп озор.
Ғайратдир унинг оти,
Оҳ қуриб кетсин зоти.
Оҳ унинг калтагидан,
Белларим букур бўлди,
Кўзларим сўқир бўлди.
Оёқ-қўлим шол бўлди,
Қаддим букик дол бўлди.
Қочиб келдим буёққа
Бадарға қилди тоққа...
Қараб турсин у ҳали,
Ўч олишнинг маҳали,
Менга ҳам келиб қолар...
Ғафлат Қари номим бор,
Ўлмаганман, жоним бор.

Ғайрат отлиқ баттолни,
Ўжар, қайсар, қаттолни,
Мен ғафлатда босаман,
Тутиб олиб осаман!

Қўлини қўйиб бошга,
Ястанар Ғафлат тошга.
Набираси Жиловлар,
Чиқиб келар ёнига.
Ҳайратланиб, ҳам чўчиб,
Қарар бобожонига.

ЖИЛОВЛАР

Бобо, нега лоҳас ётибсиз?
Ҳамда узоқ ўйга ботибсиз?
Вой, вой, қизиқ... кулаяпсизми?
Вой... қўрқаман, ўлаяпсизми?

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Мен ўлмаймам, чўчима, болам.

ЖИЛОВЛАР

Қўрқиб кетдим, бобо жуда ҳам.
Бир оз ўйнаб келай дегандим.
Ўхшайсизми дейман бетобга.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Бир оз роҳат қилай дегандим,
Суякларим тоблаб офтобга.
Дарак йўқми Оврар, Жовардан?
Нима бўлди, келишмаяпти?

ЖИЛОВЛАР

Билишимча, акаларимнинг
Ҳечам иши юришмаяпти.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Ҳа, ўзлари ўлгудай қўрқоқ.

ЖИЛОВЛАР

Шу ишлари айниқса чатоқ.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Одамларни авраш кўп осон,
Бўлиш керак бир оз устомон.
Хўш, насиҳат қилгандим кеча
Айт-чи, уқиб олдингми пича?

ЖИЛОВЛАР

Бобо, кўпдир хосиятингиз,
Кеча берган насиҳатингиз
Қулоғимга қуйиб олганман.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Қани, қайтар барин бирма-бир!

ЖИЛОВЛАР

Бобо, олманг асло хавотир,
Ҳар битта гап қолган эсимда.
Адашмайман асло сўзимдан,
Кечикишди нечун шу қадар?

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Қани, қайтар гапимни бир-бир
Ё бошингни кесайми ҳозир!

ЖИЛОВЛАР

Одамларни аврайман,
Ғайратин жиловлайман.
Олиб ақлу ҳушини.
Кетга суриб ишини,
Ундайман анқовликка,
Йўллайман ялқовликка.
Кимки тушса қўлимга,
Юргизаман йўлимга.
Ўз изимга соламан,
Кейин миниб оламан.
Олар танбал деган ном.
Бўйсунар менга тамом.
Кимки қолса ғафлатда,
Мен юраман роҳатда.
Ғайрат бўлса занжирбанд,
Ғафлат авлоди хурсанд.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Зеҳнинг анча дуруст, Жиловлар,
Тўғрисини айтсам бироқ, сен
Оз-мозгина ўйинқароқсан,
Шу одатинг ташласанг агар,
Ҳар бир ишга тайёрлигинг бор.
Нақ ўзимдай айёрлигинг бор.
Сен босасан бир кун ўрнимни,
Шод этасан охир кўнглимни.
Майли, тагин таълим ол оз-моз.
Юр, тойчоғим, қоронғи ғорда

Сенга яна дарс берай бир оз.
Шошма, бўтам, қулоқ сол, қара,
Қимдир додлаб чийилляпти,
Фарёд чекиб зор йиғилаяпти.

(қулоқ солишади)

ЖОВРАР

Тавба қилдим, урманглар,
Вой, вой белим, вой белим,
Қўйвор, Файрат, қайирма,
Синиб кетади қўлим.
Деҳқон ака, бас қилсин,
Айтинг Файратингизга.
Ишдан қўймайман энди
Бормайман олдингизга.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Қим додлаган, қим йиғлаётган?
Во ажабо! Қим анов ётган?

ЖИЛОВЛАР

(қарайди)

Жоврар-ку бобо, Жоврар,
Қалтаклабди хўп ёвлар.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

(Жоврарга)

Нима бўлди, кўтар қаддингни,
Бу не ётиш, қўрқоқ, кўрнамак!

ЖОВРАР

Ох, бобожон, шу кунга қадар,
Емаганман бунчалик калтак.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Хўш, баён эт, не бўлди ахир?!

ЖОВРАР

Бу сафарим кўп бўлди оғир.
Уч кун тинмай елдай изғидим.
На кундузу, на тун мизғидим.
Кезиб чиқдим шаҳар, қишлоқни,
Тополмадим, бирор аҳмоқни.
Лақма излаб, бордим қирғоққа,
Балиқчилар юрти Мўйноққа.
Аврай дедим балиқчиларни,
Тепки едим, роса қорнимга.
Кейин бордим чегара томон,
Лақиллатай дедим соқчини.
Отиб ташлай деди у мени.
Милтиғини бир отди. Варанг!..
Қочиб қолдим изимга аранг.
Қуриб кетсин, яйлов, ўтлоғи,
Бошим ёрди, чўпон таёғи.
Синаб кўрай дедим кончини,
Конда ҳеч ким тушмади лаққа.
Деҳқонларни алдамоқ осон,
Дея бордим янги қўриққа.
Кун қизиган, айни туш чоғи,
Учта деҳқон урарди кетмон.
Чарчашганди ўлгудай чоғи,
Секин бордим ўшалар томон.
Танладим-да, қарирогини,

Озгингина сариқроғини,
Оёғидан ўрмалаб аста
Елкасига миндим бирпасда.
Кейин уни аврай бошладим.
Қулоғига жоврай бошладим.
Жизғинагим чиқиб офтобда,
Эсим оғиб колди шу тобда.
Елкасидан тушдим думалаб,
Ғайрат кетди мени савалаб.
Шу ергача келди қувалаб,
Пўла бўлди бу мўнди каллам.
Пўстагимни қоқди жуда ҳам.

ЖИЛОВЛАР

Энди, бобо, бунинг калласи,
Ошқовоқнинг битта палласи.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Латта ҳўллаб босгин бошига,
Келтиради анча ҳушига.

ЖОВРАР

Ўзим зўрға қутулдим, бобо,
Майли, танда бор экан кучим,
Мен Ғайратдан оламан ўчим.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Бас қил! Ўзинг ношудсан тентак!
Камлик қилган сенга бу калтак.
Бу ишингни ахир ўйлаб боқ,
Айт-чи ўзинг бўмасанг аҳмоқ,
Деҳқонга ҳам келасанми, дуч?!

Тагин дейсан мақтаниб: Уч! Уч!
Деҳқонларнинг қўли қадоқ-ку,
Менинг ҳолим сенга сабоқ-ку!
Мени майиб қилган шу деҳқон.
Ундан ғафлат кўрмаган омон!
Яхшиямки ўлиб қолмабсан...
Менинг сенга насиҳатим шу,
Ўлиб кетсам васиятим шу:
Деҳқонларга йўлиқма асло!
Ўз бошингга орттирма бало!
Дунёда кўп лақма, ландовур,
Лапашанг, гўл, ишёқмас, довдир.
Улар дарров юрар йўлингга,
Тизгинини берар қўлингга.
Сўнг Ғайратин боғлаб оласан,
Қайсарларга кишан соласан.
Тош қасрга зиндон қиласан.
Шу зиндонда гумдон қиласан!
Эй, жиловлар, бери кел тезроқ!

ЖИЛОВЛАР

Лаббай, бобо, вужудим қулоқ?

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Қай гўрларда юрибсан тентак?
Барча Ғафлат авлодларига —
Бериб чиққин зудликда дарак!
Қаршимда тез ҳозир бўлишсин,
Хизматимга нозир бўлишсин!

ЖИЛОВЛАР

Хўп бўлади, сўзингиз қонун!

(Ғафлатлар жам бўлади)

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Бундан минг йил аввал ёш эдим,
Айёрликда йўқ эди тенгим.
Қанча-қанча инсон Ғайратин,
Якка ўзим аврадим, енгдим.
Аммо бир кун адашдим, афсус...
Икки деҳқон билан олишиб,
Ҳам Ғайрати билан солишиб,
Енгилдим мен, рост гап, ўша дам.
У кун бўлган мен учун мотам,
Сўз очмадим сизга зафардан,
Бугун қайтди Жоврар сафардан
Мана ётар пойимда шўрлик,
Бир деҳқондан кўрибди хўрлик.
Аҳволига маймунлар йиғлар...

ҒАФЛАТ АВЛОДЛАРИ

Бу қандайин оғир кўргилик!!!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Шунинг учун куюнаман мен!
Шунинг учун буюраман мен!
Шодлик ўрнин олсин, ғам, алам,
Тош қасрда тутингиз мотам!

Тош қасрда мунгли бир ҳолат,
Қора тошда ўлтирар Ғафлат.
Юрагида аламли нидо,
Кийиб олган зулматдан ридо.
Ғафлатчалар, қуйидир боши,
Юм-юм оқар кўзидан ёши.

Юзларида қозон куяси,
Мотамсаро Ғафлат уяси.
Қора латта илинган ҳарён.
Тош қасрда зулмат, зимистон.
Уйламаган иш бўлди шу чоқ
Куй янгради қувноқ, хушчақчақ.
Бу Овварнинг овози эди,
Унинг қадди мағрур, ғоз эди.

ОВВАР

(куйлайди)

Жуссам кичик бўлса ҳам,
Тилим чучук бўлса ҳам.
Паҳлавонга ўхшайман,
Қаҳрамонга ўхшайман.
Чап бераман ҳарёнга,
Дарс бераман шайтонга.
Мен Оввар,
Мен Оввар,
Пўшт, пўшт, пўшт!
Жой беринглар, жой!
Еғ бўласиз, доғ бўласиз, ҳой!

(Қора латтага кўзи тушади)

Ажаб! Олам тундек қора-ку!
Тош қасимиз мотамсаро-ку!
Э, воҳ, бобом ўлганга ўхшар.
Паймонаси тўлганга ўхшар.

(Банди Ғайратларга)

Тош қасрда мотам бўлибди,
Менинг катта отам ўлибди.

(I — банди Ғайрат илжаяди)

ОВРАР

Чиқибмиз-ку аза устидан,
Томошанинг роса устидан —
Деб ичингда суюняпсанми?

I-БАНДИ ҒАЙРАТ

(четга)

Ажаб бўпти, кетдим суюниб!
Ўзинг ҳам ўл йиғлаб, куюниб!
Уруг-аймоқ, холанггу амманг,
Менга деса қирилгин ҳамманг!

ОВРАР

Ўлишга вақт куриб қолгандай,
Бир нарсадан қуруқ қолгандай,
Асир олиб келган куним ҳам
Ўладими бу бебахт бобом!
Шўрим курсин, э, аттанг, аттанг.

(банди Ғайратларга)

Олдимга туш, юр, такасалтанг!

(Оврар йиғлаб киради)

Ғафлатларга бош бўлган,
Мингга кириб ёш ўлган,
Жувонмаргим, вой отам!..
Ишчанларга панд берган,
Танбал деган дард берган.
Хазон баргим, вой отам!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

(ғазаб билан)

Бас қил, йиғинг! Итвачча аблах!
Нечун аза очиб келяпсан?

ОВРАР

(Қўрқиб, довдираб қолади)

Тирикмисиз? Оҳ, бобожон, оҳ!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Ўлганим йўқ, мана, кўряпсан!

ОВРАР

Паноҳида асрасин худо.
Сизни мен... мен... афв этинг, бобо!
Қаҳрамонлик кўрсатиб бугун,
Уч Ғайратни келтирдим тутқун.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Қалтакланиб, ўласи бўлиб,
Қайтиб келди Жоврар бир ҳолда.
Шунинг учун тутгандик мотам,
Сенинг ишинг дуруст, ҳар ҳолда...
Юрагимга бахш этди мадор,
Булар кимнинг Ғайратлари айт,
Кўринади қайсар, бадкирдор?

ОВРАР

Манависи кўзи оланинг,
Боқибеғам деган боланинг...

Бу иккови ака-укадир,
Чўк десамчи, ҳозир чўкадир.
Бегалининг ғайрати манов,
Шералининг Ғайрати анов.
Иккиси ҳам чунон дангаса,
Бефаҳм, гўл, мисоли бир мол.
Ғайратларин ўғирлаб аста,
Миниб келдим йўлда галма-гал.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Балли, Оврар, бу иш-чун сенга
Тилла берсам арзийди қоплаб.
Бу муттаҳам Ғайратчаларнинг
Жазосини берамиз бошлаб.
Азоб беринг, чексин дод-фарёд!
Ёруғ кунни кўрмасин зинҳор,
Бўлолмасин умрбод озод!

(Ғафлат авлодларига)

Тош зиндонга ташланг ҳозироқ,
Оврар иши шод этди мени!
Кўрдингизми унинг азмини,
Ботир Оврар шарафи учун,
Бошлангизлар шодлик базмини!

ҒАФЛАТЛАР

(куйлашади)

Ғайрат қолса ғафлатда
Биз яшаймиз роҳатда.
Инсон бўлса дангаса,
Иши асло унмаса
Чоғ бўлади кўнглимиз,

Тоғ бўлади кўксимиз.
Ҳар одамга ҳукмрон
Бўлиб сурайлик даврон.

(базм авжига чиқади)

Иккинчи боб

ШҲРЛИҚ ШЕРАЛИ, БОЯҚИШ БЕГАЛИ

Кун ёйилган, вақт яқин тушга,
Ҳамма кетган ўқишга, ишга.
Фақат икки даиғаса ҳали,
Шерали ва ялқов Бегали
Ухлаб ётар ўрнида пиш-пиш.
Туришмайди бўлса ҳамки туш.
Нонуштаси турар олдида.
Она шўрлик соат олтида,
Болаларим оч қолмасин деб,
Уйқусидан тургач, есин деб
Хонтахтага қўйиб қаймоқ, нон
Ишга кетган ўзи эрта тонг.
Уйғонишди ялқовлар аранг,
Қўп уйқудан бошлари гаранг.
Иккиси ҳам бўлгандай лоҳас,
Ўтиришди эснашиб бирпас.
Нон қаймоқни кўришиб шу он,
Сурилишди хонтахта томон.
Очилмаган уйқуси ҳали,
Ҳиринг-ҳиринг кулди Шерали.

ШЕРАЛИ

Улай агар ёлғон айтсам, рост,
Бўлиб қопсан нақ масхарабоз.

БЕГАЛИ

Нега мени майна қиласиз,
Ҳали ойим келсин, кўрасиз.

ШЕРАЛИ

Қачон сенга кирар экан эс,
Қўйлагингни кийибсан-ку терс.
Тағин кўриб қолмасин биров,
Қийиб олгин ўнгини дарров.

БЕГАЛИ

Тескари?
Вой-ей, тиниб кетяпти кўзим,
Майли, чарчаб кетяпман ўзим.
Қачон ечиб тағин кияман,
Қўяверинг, шундай юраман.

ШЕРАЛИ

Улгудайин бўлибсан ялқов,
Маҳаллада ҳамма дер анқов.

БЕГАЛИ

Менга кулмай қўя қолинг сиз,
Бир синфда уч йил ўқийсиз.

ШЕРАЛИ

Бўлди, бўлди, вайсайверма кўп!
Тағин калтак еб қолмагин хўп.

(Хонтахта устидаги сочиқни олади)

Оҳ, оҳ, оҳ, оҳ, ма-за-ку! Қаймоқ!

ШЕРАЛИ

Ювмайсанми, юзинг эй, қасмоқ?

БЕГАЛИ

Мунча менга қилаверманг дўқ,
Ўзингиз ҳам ювганингиз йўқ.

ШЕРАЛИ

Уч кун аввал ювган эдим мен.
Сенга ўхшаб бир ҳафта, ўн кун
Ирkit босиб юрмаганман ҳеч.

БЕГАЛИ

Қўяверинг, бизларни биров,
Қилармиди ҳозирча куёв,
Фаришталар ювиб кетади,
Шу тозалик бизга етади.

(Бегали қаймоққа нон тўғрайди).

ШЕРАЛИ

Имиллайсан бунча, бўла қол!
Қошиқ йўқ-қу, тур қошиқни ол
Олиб келгин деяпман сенга!

БЕГАЛИ

Номерингиз ўтмайди менга.
Буйруғингиз кетмайди менга.
Ишлайвериб ўламанми мен?!

ШЕРАЛИ

Сенга ака бўламанми мен?!
Бажарасан айтганим дарҳол!
Тур деяпман, тур қошиқни ол!

БЕГАЛИ

Олайтирманг менга кўзингиз,
Керак бўлса олинг ўзингиз!
Чарчадим мен нон тўғраб роса.

ШЕРАЛИ

Ўлгудайин бўлсан дангаса...
(Иккиси аразлаб ўтиришади)

ШЕРАЛИ

Уф! Қорин ҳам чалворди сурнай,

БЕГАЛИ

Менга деса чалворсин карнай!

ШЕРАЛИ

Кел, бўлмаса ўйнаймиз дим-дим.
Энг биринчи гапирворса ким —
Ўша туриб қошиқни олиш.

БЕГАЛИ

Бу фикрингиз, майли, қойил иш!

ШЕРАЛИ

Бир... икки... уч. Бўлмаса жим-жим.
Гаплар тамом, бошланди дим-дим.

*(Ака-ука ўтираверишдан зерикчишиб, ётиб ухла
қолишади. Она келади).*

МАРЗИЯ ХОЛА

Вой ўлайин, бу қандай ётиш,
Унгимми, ё кўряпманми туш?
Бу дангаса болалардан дод.
Куйдиришар мени умрбод!

(Уйғота бошлайди)

Ҳой шармонда, ҳой тасқаралар,
Ҳай дангаса, ҳой масхаралар!
Ғафлат босмай ергина ютмагур
Кун пешиндан оғиб кетди, тур. аоеў ом
Шўрим курсин, илойим менинг,
Пешонамга худойим менинг
Икки бола берди-ю, аммо,
Мунча ялқов қилиб бермаса,
Мунча анқов қилиб бермаса.
Овқатини эплаб еёлмас,
Қийимини эплаб киёлмас,
Қайда бўлса тошдай думалаб,
Ётишгани-ётишган ухлаб.

ШЕРАЛИ

Ойи, қачон келдингиз ишдан?

МАРЗИЯ ХОЛА

Қолдингларми яна ўқишдан?
Куйдирдинг-ку, мени, жон болам,
Сенлар қачон бўласан одам?
Бунча ношуд бўлмасаларинг?
Бунча иркит бўлмасаларинг?
Башарангдан одам уялар,
Тўртта кучук яласа тўяр.
Уят борми ўзи сенларда?!
Ғайрат борми ўзи сенларда?!

(Куйган хола киради)

ҚУЙГАН ХОЛА

Ҳа, қўшнижон, мунча фиғонсиз?

МАРЗИЯ ХОЛА

Келинг, қўшни, нимасин айтай,
Болаларим кўп чиқди сонсиз.
Иккови ҳам шундай дангаса,
Куйиб кетдим булардан роса.
Юришади доим шалпайиб,
Ётишади доим ялпайиб.

ҚУЙГАН ХОЛА

Эй, қўшнижон, нимасин айтай,
Олдингизга чиқдим мен атай,
Менинг ўғлим, Боқигинам ҳам,
Сира-сира бўлмади одам.
Шундай танбал бўлдики қўйинг,
Уринг, сўкинг, ўлдиринг, сўйинг,
Бирон ишга бўйни ёр бермас,

Г

Ҳеч нарсага унда унда йўқ ҳавас.
Ётоқ тегиб ётгани-ётган,
Хуррагини отгани-отган.
Одом бўлсин шу ўғлим дея,
Менинг эса жонгинам ҳалак,
Бир доктордан мен топдим дарак,
Оти унинг Ҳакимжон экан.
Боқижонни олиб борувдим,
Олиб қолди даволайман деб.
Хафа бўлманг, қўшнижон; қўйинг,
Сиз ҳам унга йўлиқиб кўринг.

МАРЗИЯ ХОЛА

Қайда экан докторнинг ўйи?

ҚУЙГАН ХОЛА

Шундай яқин... Анҳорнинг бўйи
Чапда Соғлом деган кўча бор.
Шу кўчада яшар эканлар.

МАРЗИЯ ХОЛА

Раҳмат, қўшни, айланай сиздан,
Келинг ўпай бир юзингиздан.
Бу ярамас ишёқмасларни,
Меҳнат деса хушёқмасларни.
Олиб борай унга ҳозироқ,
Даволасин доктор ҳам тезроқ.

(болаларга буюради)

Тур ўрнингдан, такасалтанглар!
Олдимга туш, қани йўрғала!

Учинчи боб

ДОКТОР ҲАКИМ ВА УНИНГ СИРЛИ ДОРИСИ

Қоқ туш пайти, ҳаво эди дим,
Бир ғалати дорини Ҳаким,
Эритарди узум сиркада,
Жимжимадор пробиркада.
Берилганди ишга батамом.
Танбаллари оларди ором.
Сокин эди, жимжит ҳаммаёқ.
Алланарса гурс этди шу чоқ,
Доктор сапчиб ўрнидан турди,
Югургилаб хонага кирди.
Қаравотдан тушибди қулаб.
Ерда ётар Боқи думалаб.

ДОКТОР ҲАКИМ

Нима бўлди сенга Боқивой,
Туш кўрдингов дейман, қойнақой?

БОҚИБЕҒАМ СУМБАТИ

Туш кўрдимми, йўқми, билмайман,
Мен туш кўрсам эслай олмайман.

ДОКТОР ҲАКИМ

Тур бўлмаса, жойингга чиқ, ёт!
Ерда ётиш яхшимас, уят.

БОҚИБЕҒАМ СУМБАТИ

Қачон энди ўрнимдан турдим,
Роҳат қилиб ётибди жоним.

Бузилмасин, қўйинг оромим,
Шу ерда ҳам ётавераман,
Хуррагимни отавераман.

ДОКТОР ХАҚИМ

Яхши! Майли, кирмасанг гапга,
Ичиб кўр-чи битта таблетка?
Ғимирлатиб қўяди сени,
Қимирлатиб қўяди сени.

БОҚИБЕҒАМ СУМБАТИ

(Қўрқиб қолади)

Таблеткангиз аччиқ, ичмайман,
Ғапингиздан майли, чиқмайман.
Хўп, ётаман ҳозир жойимга.

(овоз эшитилади)

Ухшайдими дейман ойимга!

(доктор чиқади)

ДОКТОР ҲАҚИМ

Салом, опа, келинг, хўш, хизмат?
Қани, уйга киринг, марҳамат!

МАРЗИЯ ХОЛА

Вой, докторжон, сизмисиз, қаранг,
Уйингизни топдим-да, аранг.

(Ўғилларини кўрсатиб)

Булар менинг ўғилчаларим,
Анқов, ялқов танбалчаларим
Дангасалик дардга мубтало.
Чорасини топмадим асло.
Дарагингиз топдим қўшнимдан,
Воз кечдиму барча ишимдан.
Муҳтож бўлиб бир сўзингизга,
Олиб келдим ҳузурингизга.

ДОКТОР ҲАҚИМ

Ҳай, ҳай, ҳай, ҳай, омон бўлишсин!
Тўлаббойдай полвон бўлишсин.
Қани, қани, уйга кирайлик,
Бир текшириб, ўйлаб кўрайлик.

(болаларни текширади)

ДОКТОР ҲАҚИМ

Болаларни босибди Ғафлат,
Буларда йўқ тариқча Ғайрат.
Ғайратлари ўғирланибди,
Келтирмабсиз салгина барвақт.
Елкасига минволиб ғафлат,
Буларни хўп ҳаммол қилибди,
Ўлгудайин танбал қилибди,

(деразадан Оврар, Жоврар мўралайди).

МАРЗИЯ ХОЛА

(қўрқиб)

Шўрим қурган мени ҳар қачон,
Энди нима қилдим докторжон?

ДОКТОР ҲАКИМ

Қўп куйинманг, бордир чораси,
Топилади бунинг дориси...

МАРЗИЯ ХОЛА

Вой ростданми, барака топинг!

ДОКТОР ҲАКИМ

Ўғилларни шунда қолдиринг,
Даволайин буларни ўзим.
Ваъдам қатъий, докторлик сўзим.

МАРЗИЯ ХОЛА

Бунда анча ётишадими?

ДОКТОР ҲАКИМ

Тахминимча бир ой ётишар,
Кейин соғлом уйга қайтишар.
Айта қолай мен сизга сиришар,
Ишляпман бир дори хилишар.

МАРЗИЯ ХОЛА

Ундай бўлса розиман, доктор,
Олдингизда қолишсин, майли,
Сиздан даво топишсин, майли.
Сизга, доктор, мингдан-минг раҳмат.

ДОКТОР ҲАКИМ

Ўзингиз ҳам бўлинг саломат!

МАРЗИЯ ХОЛА

Бўлмаса мен кетайин, хайр!

БЕГАЛИ, ШЕРАЛИ

(Йиғлашади)

Ташлаб кетманг бизни ойижон...

МАРЗИЯ ХОЛА

Қўришгунча бўлингиз омон.

Йўлда кўрди Марзия хола,
Икки исқирт ғалати бола
Бир-бирига гап бермай сира
Қидиришар эди бир нима.
Ажабланиб ҳамда қизиқиб
Қараб қолди уларга бир зум.
Мунча бежо ҳаракаглари,
Гапларига қулоқ солди жим.

ОВРАР

Тополмадик, тамом, иш чатоқ,

ЖОВРАР

Яна бир оз кавлаб, қараб боқ,

ОВРАР

Шунча кавлаб тополмадик-ку!

ЖОВРАР

Қайда тушиб қолган экан у?

ОВРАР

Секин кириб доктор уйига,
Езувидан билиб чиқа қол.
Қулогингга илиб чиқа қол.

ЖОВРАР

Ҳа, ўлимга борайми тайёр,
Бўлибсан-да, ўлгудай айёр.

ОВРАР

Мунча қўрқоқ, бўлмасанг, довдир,
Қиравер, мен қараб тураман.
Сени шунда пойлаб тураман.

ЖОВРАР

Ўзимга ҳам керак ҳаётим.

(пауза)

Тўхта, менинг йўқ-ку саводим,
Кирардиму ўқиёлмайман.
Нима ёзган ҳеч билолмайман.

ОВРАР

Бу гапинг ҳам тўғри, ўлимса,
Энди нима қилдик, бўлмаса!..

(Марзия холани кўришади)

ОВРАР, ЖОВРАР

Ассалому алайкум, хола!

МАРЗИЯ ХОЛА

Ваалайкум ассалом... Вой бўй,
Қимсиз ўзи? Мунча хунуксиз?

ОВРАР

Ўғлингизнинг ўртоқларимиз.
Биз у билан жуда қадрдон.
Ҳеч ажрамас дўст эдик ҳар он.

МАРЗИЯ ХОЛА

Вой ўргилай сиздан... гиргиттон,
Мен боядан бери шу ерда
Зеҳн солиб турибман ҳайрон.
Нималарни сўзлаяпсизлар,
Нималарни излаяпсизлар?
Топилар-ку, ахир қараса.
Нима экан йўқолган нараса?

ОВРАР

Доктор бизга янги дорини
Айтган эди боя номини.

ЖОВРАР

Қидириб ҳеч тополмаяпмиз,
Топмагунча кетолмаяпмиз.

МАРЗИЯ ХОЛА

Мен-чи, ҳозир доктор олдидан
Тўппа-тўғри чиқиб келяпман.
Ўғилларим топшириб унга,
Бир оз кўпгил тинчиб келяпман.
Бир дорининг номини менга,
Доктор айтган эди-я, ҳозир.
Эслаб қолдим мен ҳам зўр-базўр.

ЖОВРАР

Бир илтимос сиздан, холажон,
Унутмаймиз сизни ҳеч қачон.
Ўша янги дори номини
Қорнимизга ёзиб қўйсангиз.

МАРЗИЯ ХОЛА

Қорнингизга! Вой, нима учун!

ЖОВРАР

Қийин экан жуда ҳам номини,
Эсимиздан чиқмаслик учун.

МАРЗИЯ ХОЛА

Узларингиз ёзволмайсизми?

ОВРАР

Қўлларимиз қалтироқ бизни,
Шу ишимиз сал чатоқ бизнинг.

МАРЗИЯ ХОЛА

Майли ёсам ёза қолайин,
Гўдаклардан савоб олайин.
Қалам, ручка йўқ эди менда...

ЖОВРАР

Ёзаверинг майли, кесакда.

(Езади. Оврар, Жоврар хурсанд)

ОВРАР

(қўшиқ)

Қойил бўлди бу ишлар,
Гумбур — гум!

ЖОВРАР

Мунча анқов кишилар,
Гумбур — гум!

ОВРАР

Докторни қўлга олсак,
Гумбур-гум!

ЖОВРАР

Бобом кўнглимиз хушлар,
Гумбур-гум!

ИКҚИСИ

Қойил бўлди бу ишлар,
Гумбур-гум!
Мунча анқов кишилар,
Гумбур-гум!

МАРЗИЯ ХОЛА

Булар ўзи ким бўлди? Тавба!..
Танимасам ҳатто бирини,
Янги дори... Доктор сирини...
Шуларга мен лақиллаб қўйдим.

Тўртинчи боб

ТОШ ҚАСРДА ВАҲИМА

(Тош қаср. Фафлат Қари ва Жиловлар)

ЖИЛОВЛАР

Бобо, бўйим етса тарновга,
Сўнгра мен ҳам чиқарман овга!

ФАФЛАТ ҚАРИ

Бўталоғим ҳали ўсасан,
Қанча ғайрат йўлин тўсасан.
Одамларни авраш сирини
Билиб олгин қўймай бирини.
Қани, мешга айла-чи баён,
Қандайларни аврамоқ осон?

ЖИЛОВЛАР

Лақма гўллар, ҳам чидамсизлар,
Хомхаёллар, ҳам уқувсизлар,
Беғам, қўрқоқ продасизлар —
Сизлар менга биродарсизлар.
Сизлар дарров қўлга тушасиз,
Бизлар айтган йўлга тушасиз.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Балли, балли! Бўлди, билибсан,
Қулоғингга яхши илибсан.
Тезда қўлга тушувчиларни,
Ширин сўзга учувчиларни,
Қандай қилиб билса бўлади?

ЖИЛОВЛАР

Ўнғайгина билса бўлади.
Улар кўпроқ эсаб, керишар,
Пешонаси салга тиришар.
Ишни кўрса турар безиллаб,
Тайсаллайди баҳона излаб.

(Ҳовлиқиб Оврар, Жоврар киради).

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Во ажабо! Оврар! Жоврарми?!
Нима бўлди сенларга, гапир!

(Қорнига ниқтайди)

Манов нима, бу қандайин сир?

ОВРАР

Доктор ... Доктор... бизларга офат...

ЖОВРАР

Иш-ш-шляпти д-д-дори касофат!..

ФАФЛАТ ҚАРИ

Нима? Нима? Дейсанми дори?!
Гапирсанг-чи, тузук хувори!

ЖИЛОВЛАР

Булар офат деяпти, бобо
Келмасайди бирорта бало!

ФАФЛАТ ҚАРИ

Қани, гапир, нафасинг ўчкур,
Не шумхабар топиб келдинглар?

ОВРАР

Доктор Ҳаким деган бир киши,
Бизни қириб ташламоқ иши.

ЖОВРАР

Янги дори ишлаб чиқмоқда.

ОВРАР

(Қорнини кўрсатиб)

Мана ўша дорининг номи!!
(Фафлатлар қўрқувда)

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Чорасини топайлик тезроқ.
Уйлаб кўриш керак ҳозироқ.
Жиловлар, бор, бўлмайлик ҳалок,
Барча Ғафлат авлодларига
Бериб чиққин зудликда дарак.
Қаршимда тез ҳозир бўлишсин!
Хизматимга нозир бўлишсин!

ЖИЛОВЛАР

Хўп бўлади, сўзингиз қонун!

(Жиловлар чиқиб кетади)

ЖИЛОВЛАР

Доктор билан кўп олишдик биз.

ОВРАР

Ғайрати-ла, хўп олишдик биз.
Аммо бобо — эплай олмадик!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

(Езувга тикилиб қўрқади)

Қимирламай туринглар, тағин,
Анов дори кетмасин портлаб.

ЖОВРАР

Ундай деманг, жон бобожон, вой,
Юбораман мен ҳозир додлаб!

(Ғафлат авлодлари кириб келишади).

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Оврар билан Жоврарлар ҳозир,
Бир шумхабар топиб келтирди.
Ҳа, бир сирни менга билдирди.
Доктор Ҳаким деган бир киши
Бизни қириб ташламоқ иши!..
Бизга қирон солмоқчи эмиш.
У бир дори ишламоқдамиш!
Агар тайёр бўлса дориси
Ғафлат битган борки, бариси
Ўлиб кетар эмиш тамоми!

ЖОВРАР

Ут қўйсақ-чи, уйига бориб,
Дориси ҳам кетарди ёниб!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Сен ганирма, эй ношуд, латта,
Бу маслаҳат хато албатта!

(пауза)

Индамасдан турибсизлар, бас,
Сиздан бирор маслаҳат чиқмас!
Кўринади доктор беомон,
Мана шундай бераман фармон:
Иродаси бўлса ҳам метин
Ўғирлайсиз Доктор ғайратин!
Тош қасрга келтирасиз тез!

ҒАФЛАТ АВЛОДЛАРИ

Жуда тўғри, бу фикр маъқул!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Маъқул деган кўтарсин-чи қўл!

(ҳамма қўл кўтаради)

Бу мушкулни бажаради ким?

(пауза)

Турибсизлар тишлагандай мум.
Иш кўрсатсин мардлар бу чоғда,
Кейин қолиб юрмасин доғда.
Қим талабгор бўлса бу ишга,
Икки қадам чиқсин олдинга!

(Ҳамма икки қадам орқага чекинади)

Ҳаммангизни осаман тамом!
Сатқай сизга Ғафлат деган ном!

ДОВ ҒАФЛАТ

Сизни қўймай ҳеч бир ташвишга,

ЁВ ҒАФЛАТ

Биз борамиз бу мушкул ишга!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Раҳмат сенга, Дов ғафлат ботир!
Кўп йил яша, Ёв Ғафлат ботир!
Иккинги ҳам кўргансиз кўпни,
Иккинги ҳам чексиз баҳодир!
Тоғ қолдирган маҳоратнигиз.

Эсимда бор, жасоратингиз.
Ибрат бўлган барча одамга;
Машҳур бўлган бутун оламга.
Абу танбал, Мамажон ялқов
Ғайратини енгган эдингиз.
Жангда голиб келган эдингиз.
Бу ишда ҳам тилайман омад!
Доктор Ҳаким Ғайратин боғлаб
Ғолиб келинг, бўлинг саломат!
Сен инкковинг: Оврар ва Жоврар
Тош зиңдонга бўласан соқчи.
Дов Ғафлат ва Ёв Ғафлатларни,
Тантанавор кузатиб қўйинг.
Бир оз йўлга узатиб қўйинг!

Бешинчи боб

ДОКТОРНИ ҒАФЛАТ БОСДИ

Ярим кеча, уйқуда борлиқ,
Мудрар сувда ҳаттоки балиқ.
Қушлар ухлар дарахт шоҳида,
Капалаклар гул япроғида.
Тўхтагандай гўё ҳаракат,
Ором олар бутун табиат.
Фақат доктор ўтирар уйғоқ,
Учмагандир уйида чироқ.
Дангасалик бўлсин деб барбод
Янги дори қилмоқда ижод.
Аммо унинг дарвозасидан,
Гоҳи келиб деразасидан,
Икки ғафлат мўралар эди.
Доктор Ҳаким беҳабар эди.
Шивир-шивир қилишиб фақат
Пайт пойлар Ғаламис Ғафлат.

ДОВ ҒАФЛАТ

Қара, яна ишга киришди,

ЕВ ҒАФЛАТ

Боя бир оз эснаб, керишди.

ДОВ ҒАФЛАТ

Кечагидан қолди бўшашиб

ЕВ ҒАФЛАТ

Ўйлаяпти бошини қашиб.

ДОВ ҒАФЛАТ

Кеча ишин ундирмадик ҳеч.

ЕВ ҒАФЛАТ

Алаҳситиб тиндирмадик ҳеч.

ДОВ ҒАФЛАТ

Савлати ҳам зўр экан жуда.
Ғайрати ҳам зўр экан жуда.

ЕВ ҒАФЛАТ

Кеча бир мушт туширган эди,
Унглолмайман ўзимни ҳамон.
Зирқирайди ҳали ҳам бошим,
Вужудимда қолмади дармон.

ДОВ ҒАФЛАТ

Оғриғингдан нолийверма бас,
Сендан баттар мен едим калтак.
Вайсайвериб, оврайвериб ҳеч,
Чакагимда қолмади чакак.

(Эснаб олиб давом этади)

Тураверсак бўлмас бу жойда,
Бекор гапдан чиқмайди фойда.
Ҳозир секин уйга кирамиз.
Ажалимиз етса ўламиз.
Аврамоққа бошлаймиз тинмай,
Бўш келмайсан билиб қўй, ғилай!

ЕВ ҒАФЛАТ

Майли... ўлсам ўлақолайин!

(Доктор хонасига киришади)

ДОВ ҒАФЛАТ

(аллаловчи оҳангда)

Эй, бечора, эй Доктор Ҳаким,
Шу маҳалда ишламоқда ким?
Эрта тонгдан бери тинмайсиз,
Ширин жонни мунча қийнайсиз?

ЕВ ҒАФЛАТ

Бу дунёнинг тугамас иши,
Дунёга бир келади киши.
Меҳнатсиз ҳам яшаса бўлар,
Меҳнатсиз ҳам ошаса бўлар.

ДОВ ҒАФЛАТ

Ишладингиз шунчалик етар,
Бир кунингиз бўлса-чи, ўтар.

ДОКТОР ҲАКИМ

Яна икки соат ишласам,
Янги дори бўлади тайёр.

ЕВ ҒАФЛАТ

Фақат ўзим ғамингиз ейман,
Э, жонингиз сабилми дейман.

ДОВ ҒАФЛАТ

Э, ўртада тун бор-ку, ахир!
Эртага ҳам кун бор-ку, ахир!

(Суст, ишдан бош кўтаради)

Кўзларимни босяпти уйқу,
Дори тайёр бўлиб қолди-ку.
Кўп ишладим, дам ҳам олмайин.
Бир озгина ухлаб олайин.

(иккиланади)

Йўқ, бир йўла қўяй тайёрлаб,
Сўнгра ором оларман ухлаб.

(Қўлига асбобларни олади)

ЁВ ҒАФЛАТ

Утмай қолган ёзу қиш борми?
Бултургидан қолган иш борми?
Туриңг, ухланг яна ишламай,
Иссиққина жойингиз, ҳай-ҳай...

ДОВ ҒАФЛАТ

Болдек ширин сўзларим билан,
Узим сизни сийлаб ухлатай,

ЁВ ҒАФЛАТ

Ипак каби қўлларим билан.
Елкангизни силаб ухлатай.

ДОКТОР ҲАКИМ

Қўзларимга тиқилгандай қум,
Ухлаб олай яхшиси бир зум.

Кўпинча шу бир зуму бир он --
Дея панд еб қолади инсон.
Ғаниматдир, ҳар дақиқа, дам,
Ҳар бир ишга керакдир чидам.
Доктор ўйлаб ҳаловатини,
Тўғрилади каравотини.
Парқу болиш чорларди уни,
Икки гафлат пойларди шуни.
Доктор ётиб донг қотиб қолди...
Қуёш чиқиб тонг отиб қолди.
Уйқусидан турмади Доктор,
Энди унинг Ғайрати йўқдир.
Босди уни Ғафлат, лаънати,
Ўғирланди туида Ғайрати.

Олтинчи боб

ТОШ ЗИНДОН БАНДИЛАРИ

Гафлатларнинг тош маконида,
Қоп-қоронғу тош зиндонида,
Синдирилган қанотлар ётар,
Уғирланган Ғайратлар ётар.
Яраланган, жароҳат танда,
Ҳаммасининг қўли кишанда.
Зўр ғайрати доктор Ҳакимнинг
Бандиларга қилар бошчилик.
Занжирларни узиб ташлаган,
Кишанларни бузиб ташлаган,
Кўзларида умид, учқун, нур,
Иродаси, шижоати зўр.
Ташқарида икки пойлоқчи
Жоврар, Оврар иккала соқчи,
Алжирашиб гап сотар эди,
Бир-бирига сўз қотар эди.

ОВРАР

Менга қара, эй гупчак, эй меш,
Янги гапни эшитдингми ҳеч?

ЖОВРАР

Қанақа гап? хабарим йўқдир,
Эштай-чи, гапир эй, довдир.

ОВРАР

Гафлат Қари берибди фармон,
Уч кун ўтиб, тонг отган замон,
Анов малъун, ёвуз, лаънати

Доктор Ҳаким банди Ғайратин
Дорга осиб ўлдирар эмиш.

ЖОВРАР

Ростми? Тағин бўлмасин миш-миш.

ОВРАР

Етти одам ҳаққи, рост сўзим,
Жиловлардан эшитдим ўзим.

ЖОВРАР

Зап томоша бўлар экан-да!
Ғафлат қаринг калласи кечроқ
Ишлаб қопти, уни-чи, ўртоқ,
Осиш керак эди ёлдинроқ.

ИЧҚАРИДА

ЗИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Эшитдингми соқчи не деди?
Эй, Зўр Ғайрат амаки, бўлди —
Уч кундан сўнг ўласиз энди.
Бу ғафлатлар бизларни енгди!

(Ғайратлар йиғлай бошлайди)

ЗҮР ҒАЙРАТ

Тушкунликка тушманг сира ҳам,
Ғаниматдир ҳар фурсат, ҳар дам.
Ўзингизни тутингиз бардам,
Сизлар менга берасиз ёрдам.

Ухласин-чи, анов соқчилар,
Тинчисин-чи у айноқчилар.
Игна билан тешиб зиндонни,
Албат битта туйнук очаман.
Тош отгунча келса бахтимиз
Сизларни ҳам олиб қочаман.

ТИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Игна билан тешиларми тош?

БАНДИ ҒАЙРАТ

Вой юрагим бўлаяпти гани.

ЗҮР ҒАЙРАТ

Қарангиз-чи, не қилар соқчи?

(қарашади)

ЗИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Ухлаб қопти икки пойлоқчи!..

(улар тошни теши бошлашади)

Вой, Зўр Ғайрат амаки,
Уқий оларсиз балки.
Қаранг, қаранг, жуда қизиқ-ку
Тош деворда бор экан ёзув.
Нима экан ҳеч билолмадим,
Эскича-да, ўқий олмадим.

ТИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Ҳарфлари бошқача мутлоқ
Қийин экан уни тушунмоқ.

(Зўр Ғайрат келади)

ЗҮР ҒАЙРАТ

Қани ёзув? Уқиб чиқайлик,
Нима экан мағзин чақайлик.

(ўқий бошлайди)

«Овора бўлма! Тош зиндондан қочиб
олма
Шу ерда чириб кетасан!
Япалоқ Махсумнинг хоки-тунроқ зинд
Ғайр

БАНДИ ҒАЙРАТ

Йўқ экан-ку қочинга чора,
Бўлибмиз биз бекор овора.

ТИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Эсингизна иш чатоқ бўлди,
Умидимиз пуч ёнғоқ бўлди.

ЗИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Ҳафсаламиз пир қилди ёзув,
Кўнглимизни кир қилди ёзув.

ЗҮР ҒАЙРАТ

Тарвузингиз тушимасин қўлдан,
Қурашамиз, қайтиш йўқ йўлдан,
Қани, келинг, киришдик ишга,
Вақтимиз йўқ бекор туришга.

(ишга киришишади)

БАНДИ ҒАЙРАТ

Бу ерда ҳам ёзув бор экан.
Лекни усти чаңг, губор экан.

(Қўли билан ишқалаб ёзувни очади

ЗУР ҒАЙРАТ

(Келади, ўқий бошлайди)

«Ушбу ёзувнинг охиридан ўнга қараб беш
қарич ўлча!
У ерни синчиқлаб, пайпаслаб қара!
Умид калити остона остида.
Собиқ Абутапбалнинг Зиндоний Ғайрати».

(Ҳаммалари севинади).

ТИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Ишлар роса қойил бўлди-ку!

ЗИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Роса маза бўлди бу ёзув.

БАНДИ ҒАЙРАТ

Миттигина бўлса ҳам кўзим,
Бу ёзувни топдим мен ўзим.

ЗУР ҒАЙРАТ

Бўлди, бўлди! Бас қилинг гапни.
Ҳозир эмас мақтаниш чоғи.

Деворинниг ҳам бордир қулоғи,
Тонн зиндонда қолмай умрбол,
Энди тезда бўламинг озод.

(Эшик тақиллагандий бўлади.)

ЗИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Тақиллатди кимдир эшикни...

(қулоқ солишади)

БАНДИ ҒАЙРАТ

Ташқарида бўлмоқда бўрон.

ЗУР ҒАЙРАТ

Бўлиб турса шамол-тўполоп,

ЗИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Остонанинг тагини тит-шит
Қилиб ҳозир топаман калит.

(кавлайди)

Мана калит, йўқ, бўлак экан,
Бармоқдайин бир суяк экан.

(Отиб юборади, суяк синиб калит жиринглайб)

Айтмадими калит деб ўша!

ТИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Зўр экансан, Зийраквой, яша!

БАНДИ ҒАЙРАТ

Расмда бор бурун тешинги,
Қалитчани уч бор бурасак
Очилади туйнук эшинги.

(туйнукни Зўр Ғайрат очади)

ЗУР ҒАЙРАТ

· Баракалла Зийрак Ғайратча,
Баракалла Тийрак Ғайратча,
Банди Ғайрат аямадинг жон.
Пешонангдан тер оқди маржон.

Умидимиз чиқмади пучга,
Бизни осиб бўпти ёвузлар,
Энди йўлга тушамиз, дўстлар!
Ўрнингиздан туринг, жўнаймиз!

(Қулоқ солади)

Овозингиз чиқармангиз, жим,
Ғўнғир-ғўнғир қилди аллаким.
Э, анови икки соқчи-ку!
Бир балои сезиб қолншиди,
Шу томонда кезиб қолншиди.

(соқчилар туйнук олдида)

ОВРАТ

Қулоғим соғ, ишонгин жигар,
Елгон айтсам пон урсин агар.
Ошагандим эндигина ош,
Шу томонда қисирлади тош.

ЖОВРАР

Ўпкасан-да, ошна ўпкасан,
Боролмайсан бунда кўлга сан!
Юр, кўрайлик уёқ-буёқни
Еқиб олгин фанор-чироқни.

ЗУР ҒАЙРАТ

Ҳа, хайрият, нари кетишди
Кўлдан бермай ушбу фурсатни,
Бўлинг, кетдик, ростлаб жуфтақни.

ЗИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Амакижон, битта маслаҳат,
Оёгингиз кўлга олсангиз,
Сиз ўзингиз жўнай қолсангиз...

ЗУР ҒАЙРАТ

Сизни ташлаб? Йўқ, йўқ керакмас,
Битта ўзим кетиб нетаман?
Сизларни ҳам олиб кетаман.

ТИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Йўлда бизга бўласиз ҳалок,
Кўлга тушсак бўламиз ҳалок.

БАНДИ ҒАЙРАТ

Амакижон, сизга минг раҳмат,
Ҳар дақиқа ҳозир ғанимат,
Кўпчиликнинг сўзи бу — фармон!
Бизлар бунда қолиб турайлик,

Ғафлатларни қилиб андармон.
Йўлга тушинг сиз ҳозироқ,
Боринг Доктор ёнига тезроқ.
Мана ҳозир қоқ ярим кеча,
Дорисини ишлаб тонггача
Тайёр қилиб битказасизлар.
Агар бизлар қочолмай қолсак,
Келиб сизлар қутқазасизлар.

ЗИЙРАҚ ҒАЙРАТ

Вақт ўтмасин Ғайрат амаки,
Йўлга тушинг, бўлингиз тезроқ!

ЗУР ҒАЙРАТ

(Ғайратчилар билан хайрлашади)

Майли, йўлда тушмасам қўлга,
Етиб борсам Доктор ёнига,
Бизлар тонгда қайтиб келамиз,
Ғафлатларга соламиз қирон.
Хўп, бўлмаса, хайр, дўстларим,
Қўришгунча бўлингиз омон!

(чиқиб кетади)

Еттинчи боб

(Тош қаср, дор қурилган)

ЖИЛОВЛАР

Қурилибди баланд дор мана,
Тош қасрда бугун тантана!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Тош қасрин чиққин айлалиб,
Томошага ҳамма шайланиб —
Келаверсин дорнинг остига!
Тушдик бизлар Ғайрат қасдига!

ЖИЛОВЛАР

Хо-о-о! Тош қасрининг
Мудроқлари, гумроқлари!
Эриччоқлик, дангасалик,
Балолари, ғафлатлари!
Хуррагингиз отаверманг,
Чўзлишиб ётаверманг,
Тура қолинг ўрнингиздан.
Турмасангиз қуйворамаи
Совуқ сувни бўйнингиздан.
Ҳаммангизлар биласизлар,
Ғафлат Қари қудратини.
Бугун дорга осдирар у
Доктор Ҳаким Ғайратини.
Келавергин дор остига-а-а!
Елавергин дор остига-а-а!

(Ғафлатлар жам бўлади).

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Мана баланд дор қурдик бугун,
Осилади унга Зўр Ғайрат.
Бутун Ғафлат авлодларига,
Бу ишимиз хўп бўлсин ибрат!

ҒАФЛАТ АВЛОДЛАРИ

Бу ишимиз хўп бўлсин ибрат!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Эй дов Ғафлат, Ёв ғафлат,
Оқладингиз тузимиз.
Доктор Ҳаким Ғайратини,
Олиб келинг, ўзингиз!

*(Таъзимла кетишади, зумда Оврат,
Жоврарни келтирадилар)*

ҒАФЛАТ ҚАРИ

(Ғазаб билан)

Хўш, нима гап? Қани Зўр Ғайрат?!

ДОВ ҒАФЛАТ

Қай сўз билан айтайин, ҳайҳот!

ЁВ ҒАФЛАТ

Бўлиб қопти Зўр Ғайрат қуён.

ДОВ ҒАФЛАТ

Қайдан қочган бизлар лол, ҳайрон!

(ҳамма ҳайратда)

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Нима, нима?! Бу қандайин гап!
Тош зиндонга ким эди соқчи?

ДОВ ҒАФЛАТ

Манавилар экан пойлоқчи.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Ҳа, ярамас, уйқучи, лақма!
Бири эса ўлгудай ваҳма!
Гапир ҳозир, икки лаънати,
Қани Доктор Ҳаким Ғайрати?!

ЖОВРАР

Би-билмадик, та-та-тақсир...

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Сурбет, анқов, ялқов бетаъсир!
Ғайрат билан келишган булар,
Катта пора ейишган булар
Ҳеч нарсани гўё билмайни,
Қочиришган тунда атайни.
Порахўру нафси ўпқонлар!
Қандай жазо берай сенларга?
Ҳа! Ҳа! Улим раво сенларга!
Иккови ҳам осилсин дорга!

(Ғафлат авлодларига)

Нима дейсиз ушбу қарорга?

ҒАФЛАТ АВЛОДЛАРИ

Одилона, тақсир, ҳукмингиз,
Порахўрлар осилсин дорга!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

(Дов Ғафллар, Ёв Ғафлатга)

Доктор Ҳаким Ғайратин сизлар,
Ҳозир тутиб келтирасизлар.

(Дов Ғафлат, Ёв Ғафлат кетади)

Қайда анов кичик Ғайратлар?
Ё улар ҳам бўлганми гумдон?

ЖИЛОВЛАР

Уччови ҳам ётар зиндонда.

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Ғайратларга бермайман омон!
Мен тушганман улар қасдига!
Келтирингиз учовини шу он,
Ғизиллатиб дорнинг остига.
Улар учун қурилган бу дор!
Уччовини ҳам осингиз қатор!!!

ҒАФЛАТЛАР

Бандиларни келтирдик мана,
Не хизмат бор қилайлик яна!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Мен минг йилни кўрган бир Ғафлат,
Ғайратларга йўқ менда шафқат!
Тезроқ осинг фирромчиларни,
Бу ярамас тирранчаларни!

БАНДИ ҒАИРАТ

Одамларга душман Ғафлатлар,
Сизга бўлсин минг-минг лаънатлар!

ҒАФЛАТ ҚАРИ

Одамларга бўлиб ҳукмрон,
Ғайратларга соламан қирон!
Имиллайсан мунча эй, аҳмоқ,
Бўйнига тез солсанг-чи, сиртмоқ!

ЖАНГ

Улим билан бўлиб юзма-юз
Бир-бирига айтиб видо-сўз,
Турар эди Ғайратлар почор,
Сиртмоқ тушди бўйнига қатор.
Ҳаёт-мамот чоғи шу фурсат
Тош қасрда бўлди қиёмат.
Ғафлатларни қолдириб доғда
Ёвузларни ўраб ҳарёқдан,
Ҳаким бошлиқ минг-минг оломон,
Кириб келди қасрга томон.
Оломонки, жуда беомон!
Қўлда найза пинаси барни,
Боглаб олган Ғайрат камарни.
Ғафлат борки, чувиллаб қолди,
Чумолидай дувиллаб қолди.
Доктор Ҳаким кўрсатар йўриқ,
У берарди ҳаммага буйруқ.
«Укол қилинг, қўйманг ҳеч бирни,
Билиб қўйсин дорининг сирин».
Янги дори қўл келди албат,
Тош қасрда қирилди Ғафлат.
Қанча-қанча танбал одамлар,
Қанча-қанча Боқибеғамлар

Энг ёмон дард, зўр касалликдан
Қутулишди дангасаликдан.
Омон қолди ўлимдан Зиёрак,
Омон қолди Банди ва Тийрак.
Шералининг очилди кўзи,
Бегалининг ёришди юзи.
Юрагида қайнаб Ғайрати,
Жўшган эди куч, шижоати.
Маҳв бўлди Ғафлат Оврари,
Жаврай олмас эди Жоврари.
Дов Ғафлат ҳам қолди чўзилиб,
Ёвини-чи, жони узилиб.
Аммо Ҳаким лол эди, ҳайрон,
Ғафлат Қари гум бўлди қаён?
Қочгандир у писиб, бекиниб,
Ётганмикан горда биқиниб?
Кўриб қолди бир қизча шу вақт,
Қочиб борар икки касофат.
Ғафлат Қари эди бириси,
Набираси эди униси.
Доктор деди: — Қувиб еттигла,
Икковин ҳам қўймай туттигла.
Ғафлат Қари тушди-ю қўлга,
Дучор бўлди найза-уколга.
Йўқ бўлгандай томчи сув қумда
Ғойиб бўлди Жиловлар зумда.
Қидиришди уни кўп, обдон,
Топилмади на ер, на кўкдан.
Афсусланиб дер Доктор Ҳаким,
— Огоҳ бўлсин гапимдан ҳар ким.
Ғафлатларни этдик тору-мор.
Аммо бири муттаҳам, айёр,
Қириб кетди тоғнинг қаърига,
Чиқар бир кун ерининг бағрига.
Тагин босиб қолмасин Ғафлат,
Хушёр бўлнинг ҳар қачон, ҳар вақт!

ХОТИМА

Гўё юртга келгандай баҳор,
Ҳаво эди тиниқ, беғубор.
Қуёш кўкда чарақлар эди,
Булбул боғда чақ-чақлар эди.
Билакларда қайнаб, жўшиб куч
Чеҳраларда порларди севинч.
Инсон учун меҳнат — бахт, қанот,
Меҳнат билан гуркирар ҳаёт.
Қайтар эди голиблар жангдан,
Нур оқарди камалак рангдан.
Одамларнинг сафида мағрур,
Кўзларида чарақлаб шуур.
Доктор Ҳаким қадами шахдам,
Қўшиқ куйлаб келарди бардам.

(*жўр*)

Ғафлат босса кимники,
Уни тапбал қилади.
Елкасига мишволдиб,
Роса ҳаммол қилади.
Ғафлат босса кимники,
Иши битмас ҳеч маҳал.
Ғайратли бўлса кимки,
Иши тезда бўлар ҳал.
Йўл бермангиз Ғафлатга,
Қучоқ очинг Ғайратга!

МУНДАРИЖА

МЕН ҰЗИМ КИЧКИНАМАН

Куйга тўлени она-Ватан	3
Унлар	4
Яшасин	5
Бошмалоқдан битта бўр	6
Шакар қиз	7
Симлар чалади ҳуштак	8
Полвон	9
Балиқчи	10
Энди катта боламан	11
Машинамга тушингиз	12
Конфет ва шолғом	13
Ов	15
Қора бола қушиги	17

ПОЛИЗДАМИ, ОЛИСДАМИ?

Болари	18
Тўрғай	19
Армонда ўтган мушук	20
Ғозчалар	21
Мақтанчоқ бақа	22
Айиқ нега касал булди	23
Юмрон	24
Қирғовул — қоровул	25
Мингиллоқ	26
Текинтомоқ тушгиз	27
Олақарға	28
Қўриқчи	29

ЗИЛОЛ СУВЛАР НИЛДИРАР

Куёш	30
Оймома	31
Чинор	32
Куз қушиги	33
Дон келди — нон келди	34
Туман	35
Алла	36
Чегарачи ўғлонлар	37
Доктор Ҳаким ва ғафлатлар (<i>драматик эртақ</i> — <i>досток</i>)	38